

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЧИЛОВ ЖАМШИД ТЕМУР ЎҒЛИ**

**ГОНАРТРОЗ ХАСТАЛИГИДА ТИЗЗА БЎҒИМИ**  
**ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ КЛИНИК-**  
**МОРФОЛОГИК ЖИХАТЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**  
**14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Очилов Жамшид Темур ўғли**

Гонартроз хасталигида тизза бўғими тузилмаларидаги ўзгаришларнинг клиник-морфологик жиҳатларини қиёсий тавсифи..... 5

**Очилов Жамшид Темур ўғли**

Сравнительная характеристика клинико-морфологических аспектов изменений структур коленного сустава при гонартрозе..... 22

**Ochilov Jamshid Temur o'g'li**

Comparative description of clinical and morphological changes in the structures of the knee joint in gonarthrosis ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЧИЛОВ ЖАМШИД ТЕМУР ЎҒЛИ**

**ГОНАРТРОЗ ХАСТАЛИГИДА ТИЗЗА БЎҒИМИ**  
**ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ КЛИНИК-**  
**МОРФОЛОГИК ЖИХАТЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**  
**14.00.22 – Травматология ва ортопедия**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Tib5172 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashmeduni.uz](http://www.tashmeduni.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Жуманов Зиядулла Эшмаматович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Эранов Шерзод Нуралиевич**  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Мусаева Юлдуз Алписовна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Худойбердиев Қобилжон Турсунович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: [info@tashmeduni.uz](mailto:info@tashmeduni.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.Б.Саидов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда охириги йилларда бўғим касалликларининг частотаси ортиб бормоқда. Аҳоли орасида остеоартрит 6,43% ни ташкил қилади ва ёшга боғлиқ бўлиб, 45 ёшдан ошган одамларда 13,9% ва 60 ёшдан ошган одамларда 97% га учрайди. Катта бўғимларнинг остеоартрити орасида энг долзарб муаммолардан бири, шубҳасиз, гонартроз бўлиб, у пастки оёқ-қўлларининг катта бўғимларининг дегенератив-дистрофик касалликлари билан оғриган беморларнинг 50,6-54,5% ҳолларда қайд этилган ва 86% ҳолларда одамларга бевосита таъсир қилади. Меҳнатга лаёқатли одамлар орасида тизза бўғимларининг ўзоқ вақт давомида спорт ёки кундалик меҳнат фаолиятида бўғимларига оғирликнинг тушишининг мунтазам давом этилиши тизза бўғимлари зарарланишига олиб келадиган жиддий хавф омилларидан саналади. Муаллифлар таъкидлашicha «...гонартроз меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг 6,5-14,6% да ҳолларда ногиронликка олиб келади...»<sup>1</sup>. Ҳозирги вақтда гонартрознинг III босқичини даволашнинг энг самарали ва умум эътироф этилган усулларидан бири бу оғрикнинг интенсивлигини камайтиришга, зарарланган бўғимнинг мотор функциясини ва оёқларнинг оғирлик кўтариш қобилиятини ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тиззани тўлиқ алмаштиришдир. Шунинг учун гонартроз касаллигида тизза бўғими тузилмаларидаги клиник ва морфологик ўзгаришларини беморлар ёшига боғлиқ жиҳатларини аниқлаш замонавий тиббиётнинг долзарб масалаларидан биридир.

Жаҳонда гонартроз касаллиги туфайли ногиронлик ҳолатларини олдини олиш бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада беморларнинг тизза бўғими тузилмаларидаги клиник-морфологик ўзгаришларини ёшга боғлиқ жиҳатларини аниқлаш, тизза бўғими тузилмаларида юзага келадиган ёшга боғлиқ морфологик ўзгаришларни патологоанатомик жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиш, турли ёш гуруҳларида тизза бўғими тузилмаларида патоморфологик жараёнларнинг интенсивлиги, жойлашуви ва морфологик хусусиятларини тизимли равишда ўрганиш, гонартроз касаллиги турли ёшда учраганлиги сабабли тизза бўғими тузилмаларидаги клиник ва патоморфологик ўзгаришларни ёшга боғлиқ жиҳатлари бўйича ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли этиологияли таянч-ҳаракат тизими касалликларини эрта аниқлаш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор

---

<sup>1</sup> Карякин Н.Н., Малышев Е.Е., Горбатов Р.О., Ротич Д.К. Эндопротезирование коленного сустава с применением индивидуальных направителей, созданных с помощью технологий 3D печати. Травматология и ортопедия России 2017; 23(3): 110–118, <https://doi.org/10.21823/2311-2905-2017-23-3-110-118>.

йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, гонатрознинг турли шаклларида тизза бўғими тузилмаларидаги ўзгаришларни аниқлаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Гонартроз бўғимларнинг барча артрозлари орасида (коксартроздан кейин) иккинчи ўринда туради ва тизза бўғимларининг барча қасалликлари орасида 53% ни ташкил қилади (Виес-Туск, М.Л., 2018; Du X., 2023; Тао Liu., 2024). Гонартроз билан оғриган одамлар сони икки сабабга кўра кўпайди ва келгуси йилларда ўсишда давом этиши кутилмоқда: биринчидан, аҳолининг қариши (60 ёшдан ошганлар сони ортиб бормоқда), иккинчидан, жинси ва ёшидан қатъий назар, остеоартрит ривожланишининг асосий хавф омили бўлган семиришнинг ортиб бораётганлигини тарқалишидир (Зайцева Е.М., 2012; Yang ZJ., 2024; Liu Y., 2025). Гонартроз яллиғланишсиз дегенератив ўзгаришларга асосланган бўлиб, субхондрал суяк эрозиясининг ривожланиши ва остеофитларнинг кўпайиши билан бўғимнинг тоғай тўқималарининг шикастланиши, бу эса бўғимнинг деформациясига олиб келади (Игнатенко Г.А., 2020; Zhao X., 2025; Liu Q., 2025). Қасалликнинг III-IV босқичлари бўлган беморларда тоғайга тушадиган тўқималарда деструктив ўзгаришлар фонида восита фаолиятини чеклаш билан кучли оғриқ синдроми ҳаёт сифатини сезиларли даражада ёмонлаштиради, беморларнинг узоқ муддатли ногиронлигига олиб келади. 65 ёшдан ошган

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

беморларда ёшга боғлиқ ўзгаришлар фонида бўғимларнинг тоғай тўқималарида дегенератив-деструктив ўзгаришларнинг ривожланишига қуйидагилар ёрдам беради: ирсий мойиллик, аёл жинси, жисмоний фаолиятни чеклаш билан метаболик ва биомеханик ўзгаришлар (Anari H., Enteshari-Moghaddam A., Abdolzadeh Y., 2020; J.Niu, Y.Q.Zhang, J.Torner et al., 2017; Duong V., 2025). Ҳозирги вақтда замонавий тиббий технологияларнинг ривожланишига ва консерватив даво усуллари билан ривожланишига қарамай, консерватив даво таъсири бўлмаганда гонартрознинг оғир шакллари даволашнинг энг самарали усули бу умумий тизза артропластикаси ҳисобланади (Hayakawa, K., 2016; A.J.Carr, O.Robertsson, S.Graves et al., 2017; Fu W., 2024). Морфологик тадқиқот усуллари остеоартроз билан оғриган беморларда бўғим тўқималарининг ўзгариши ҳақида кенг қамровли тасвирни беришга имкон беради (Корочина И. Э. 2018; Вина Э. Р. 2018; Liu Y., 2023 Yang Y., 2025). Бироқ, ҳатто энг кўп ўрганилган бўлиб кўринадиган кейинги босқичларда ҳам ноаниқ маълумотлар, масалан, назорат гуруҳидаги шахсларда базофил чизиқнинг шикастланиши ва қон томирларининг тоғайга кириб бориши кузатилади (D. A. Walsh et al., 2012; L. A. Wyatt et al., 2017).

Ўзбекистонда қатор олимлар томонидан тизза бўғими касалликлари бўйича қатор, жумладан, тизза бўғими менискларнинг жароҳатланишларда диагностик усуллари самарадорлиги аниқлаш (Абдуразаков У.А. ва ҳаммуал., 2022), катта болдир суяги дўнгликлари синиши бўлган беморларда артроскопик даволаш усуллари ишлаб чиқиш (Ирисметов М.Э., Шамшиметов Д.Ф., 2019), тизза қопқоғининг ностабиллигини артроскопия усули ёрдамида стабилизация қилиш (Маматқулов К.М ва ҳаммуал., 2021), тизза бўғими артроскопияси ва артроскопик менискэктомиянинг даволаш усуллари (Ибрагимов С.Ю. ва ҳаммуал., 2022) бўйича тадқиқотлар олиб боришган. Бироқ, бугунги кунга қадар гонартрозларнинг морфологик диагностикасига тизимли ёндашув ва патологоанатомик мезон мавжуд эмас.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, остеоартроз учун хавф омилларига боғлиқ бўлган бўғимларнинг морфофункционал хусусиятлари ва касаллик фенотипларининг структуравий асослари ўрганилмаган, гонартрозларда клиноморфологик солиштирма таҳлили етарлича қилинмаган. Юқорида келтирилганлар барчаси иккиламчи гонартроз ҳасталигида тизза бўғими тузилмаларидаги ўзгаришларнинг клиник-морфологик қиёсий таҳлилни ўтказиш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 5436 №012400288 «Ўсмалар, хирургик касалликлар ва травмаларни олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий технологияларини яратиш ва амалиётга жорий этиш» (2024-2028 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иккиламчи гонартроз ҳасталигида тизза бўғими тузилмаларидаги ўзгаришларнинг клиник-морфологик қиёсий таҳлилни ўтказишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

иккиламчи гонартроз касаллигида тизза бўғими тузилмаларини ўзгаришларини клиник-лаборатор ва инструментал кўрсаткичларини аниқлаш;

иккиламчи гонартроз касаллигида тизза бўғими тузилмаларини ўзгаришларини морфологик жиҳатларини ҳамда морфометрик кўрсаткичларини асослаш;

иккиламчи гонартрозларни клинко-морфологик қиёсий таҳлилни ўтказиш ва уларнинг ўртасидаги фарқ-тафовутларни аниқлаш;

касалликни клинко-морфологик жиҳатларини аниқлаш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида иккиламчи гонартроз касалигига чалинган 234 нафар беморларнинг тиббий баённомаларини клиник-лаборатор ва жарроҳлик амалиётида олинган тизза бўғимлари тузилмаларини патоморфологик текширув натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида иккиламчи гонартроз касаллигида жарроҳлик муолажалари ёрдамида олиб ташланган тизза бўғими юзаси ва атроф юмшоқ тўқималари бўлакчалари (тоғай, субхондрал суяк, бойламлар, синовиал парда, бўғим халтаси ва периартикуляр мушаклар) ва радиологик текширув материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда анамнестик, инструментал, клиник-лаборатор, макроскопик, микроскопик, гистокимёвий, морфометрик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

иккиламчи гонартроз касаллигида тизза бўғими тоғай тўқимасидаги некроз ўчоқларининг ва субхондрал суяк нўқсонларининг трабекуляр суяк тўқимасига тарқалиши касаллик муддати ошган сайин ортиб бориши исботланган;

иккиламчи гонартрозда тизза бўғимида ривожланган оғир деформация ҳолатларида ҳам, пайлар, синовиал парда, бўғим халтаси структурасида ва периартикуляр мушаклар шишиши фонида чуқур патоморфологик ўзгаришлар ривожланмаслиги туфайли бўғим функциясини сақлаб қолиш асослаган;

иккиламчи гонартрозда бўғим юзаси тоғайи, субхондрал суяк дефектлари ҳамда бўғимлар юмшоқ тўқима тузилмаларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари беморнинг ёши ва касаллик муддатига боғлиқ ҳолда сезиларли даражада фарқ қилиши исботланган;

иккиламчи гонартрозда қон томир деворидаги прогрессив склеротик ўзгаришларнинг, қон томир юзасининг торайиши ва қон оқимининг секинлашиши билан бирга, тизза бўғими юзаси тоғайидаги ва субхондрал суяк тўқимасининг хужайраларидаги деструктив жараёнларни кучайтиришдаги роли исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иккиламчи гонартрозда касаллик муддатлари ортган сари қон томирларида деворида келиб чиқадиган склеротик ўзгаришлар тизза бўғими тузилмаларида гемодинамик бузилишлар билан намоён бўлишини даволаш тадбирларида алоҳида эътиборга олиниши таъкидланган;

беморларнинг ёши ошган сайин тизза бўғими тузилмаларидаги патоморфологик ўзгаришларнинг авж олиши регенератив ҳолатининг сустлашувини назарда тутган ҳолда эрта ташхислаш ва даволаш чораларини амалга ошириш зарурлиги асосланган;

иккиламчи гонартроз касаллигида ташхисни аниқ ва тўла-тўқис шакллантириш давомида тизза бўғими тузилмаларидаги ўзгаришларни аниқлашда патоморфологлар томонидан беморлар ёшига алоҳида эътибор қаратилиши зарурлиги кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган илмий ёндашув ва амалий усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланиладиган усулларнинг замонавийлиги, улардан бири иккинчисини тўлдирадиган анамнестик, макроскопик, микроскопик, морфометрик, микрофотография ва статистик тадқиқот усуллари асосида гонартроз хасталигида тизза бўғими тузилмаларидаги ўзгаришларни морфологик хусусиятларини аниқлашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гонартроз касаллигига чалинган ёш беморларда тиззи бўғими тузилмаларидаги дегенератив, ўрта ёшлиларда деструктив ва кеса ёшлиларда минсклар ёрилиши, хочсимон бойлам атрофияси, дўнгликлар дефекти ва оссификатлар устунлиги ҳамда тоғай тўқимасидаги хондроцитларнинг ўрнида турли шакл ва катталиқдаги бўшлиқчалар шаклида намоён бўлиши, субхондрал суяк тўқимасида кортикал қаватининг ёш ортиб боришига нисбатан юпқалашуви ва кекса ёшлиларда субхондрал суякнинг юза қисмида фиброз шаклланиши туфайли қалинлашуви, тизза бўғими атроф тўқималарида беморлар ёшига боғлиқ ҳолда шишиниш, толаланиш, десквамация, хужайралар пролиферацияси ва склеротик, хочсимон бойламнинг атрофияси, синовиал парда ва қон томирларининг склеротик ўзгаришлар ҳисобига қалинлашуви аниқланган бўлиб, бугунгача маълум бўлган маълумотларни тўлдириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гонартроз касаллигида беморларнинг ёшига боғлиқ ҳолда тизза бўғими тоғай, суяк ва қон томир тузилмаларидаги дистрофик, некробиотик, некротик ва склеротик ўзгаришлар табиати, тизза бўғими атроф тўқималаридаги хочсимон бойлам, синовиал парда ва қон томирларидаги деструктив ва склеротик жараёнлар ортишининг динамикаси асосида гонартроз касаллигида тизза бўғими тузилмаларидаги патоморфологик ўзгаришларни ишончли тарзда аниқлаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Гонартроз хасталигида тизза бўғими тузилмаларидаги ўзгаришларнинг клинко-морфологик жиҳатларини қиёсий таҳлили бўйича олинган илмий натижалари асосида:

*Биринчи илмий янгилик:* иккиламчи гонартроз касаллигида тизза бўғими тоғай тўқимасидаги некроз ўчоқларининг ва субхондрал суяк нўқсонларининг трабекуляр суяк тўқимасига тарқалиши касаллик муддати ошган сайин ортиб бориши исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий кенгаши томонидан 2025 йил 28 майда 10-сон билан тасдиқланган «Гонартроз хасталигида тизза бўғими тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларнинг аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 10.06.2025 йилдаги 27Ш-сон ва Навоий вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 05.09.2025 йилдаги 41-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 4 сентябрдаги 24/22-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган усулларнинг патологик анатомия амалиётига жорий этилиши натижасида, гонартроз хасталигида тизза бўғими субхондрал суяк нўқсонларини трабекуляр суяк тўқимасига тарқалиши тоғай тўқимасидаги дегенератив ва дистрофик ўзгаришларнинг патологоанатомик текширувларга доир хулосаларининг сифати оширилган, уларнинг ишончилиги ва асосланганлиги таъминлаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур патологияни текшириш учун сарфланадиган 48000 сўм бюджет маблағлари (анъанавий усулнинг ўртача нархи 126000 сўм, тавсия этилган усулнинг нархи эса 74000 сўмни ташкил қилади) тавсия этилган усулдан фойдаланиш орқали патологоанатомик текширув вақтини 6-7 кундан 3-4 кунгача қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

*Иккинчи илмий янгилик:* иккиламчи гонартрозда тизза бўғимида ривожланган оғир деформация ҳолатларида ҳам, пайлар, синовиал парда, бўғим халтаси структурасида ва периартикуляр мушаклар шишиши фонида чуқур патоморфологик ўзгаришлар ривожланмаслиги туфайли бўғим функциясини сақлаб қолиш асослаганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий кенгаши томонидан 2025 йил 28 майда 10-сон билан тасдиқланган «Гонартроз хасталигида тизза бўғими тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларнинг аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 10.06.2025 йилдаги 27Ш-сон ва Навоий вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 05.09.2025 йилдаги 41-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 4 сентябрдаги 24/22-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган усулларнинг патологик анатомия амалиётига жорий этилиши натижасида, тизза бўғими гонартрозларида пайлар, синовиал парда, бўғим халтаси ва периартикуляр мушакларидаги морфологик ўзгаришларнинг патологоанатомик текширувларга доир хулосаларининг сифати оширилган, уларнинг ишончилиги ва асосланганлиги таъминлаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур патологияни текшириш учун сарфланадиган 44000 сўм бюджет маблағлари (анъанавий усулнинг ўртача нархи 110000 сўм, тавсия этилган усулнинг нархи 70000 сўмни ташкил қилади) тавсия этилган

усулдан фойдаланиш орқали патологоанатомик текширув вақтини 6-8 кундан 2-3 кунгача қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* иккиламчи гонартрозда бўғим юзаси тоғайи, субхондрал суяк дефектлари ҳамда бўғимлар юмшоқ тўқима тузилмаларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари беморнинг ёши ва касаллик муддатига боғлиқ ҳолда сезиларли даражада фарқ қилиши исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий кенгаши томонидан 2025 йил 28 майда 10-сон билан тасдиқланган «Гонартроз хасталигида тизза бўғими тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларнинг аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 10.06.2025 йилдаги 27Ш-сон ва Навоий вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 05.09.2025 йилдаги 41-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 4 сентябрдаги 24/22-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган усулларнинг патологик анатомия амалиётига жорий этилиши натижасида, касаллик муддати ва беморларнинг ёшига боғлиқ ҳолда бўғим юзаси тоғайи, субхондрал суяк дефектлари ҳамда бўғимлар юмшоқ тўқималари тузилмаларидаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичлар патологоанатомик текширувларга доир хулосаларининг сифати оширилган, уларнинг ишончилиги ва асосланганлиги таъминлаган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур патологияни текшириш учун сарфланадиган 40000 сўм бюджет маблағлари (анъанавий усулнинг ўртача нархи 110000 сўм, тавсия этилган усулнинг нархи 72000 сўмни ташкил қилади) тавсия этилган усулдан фойдаланиш орқали патологоанатомик текширув вақтини 6-7 кундан 2-3 кунгача қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* иккиламчи гонартрозда қон томир деворидаги прогрессив склеротик ўзгаришларнинг, қон томир юзасининг торайиши ва қон оқимининг секинлашиши билан бирга, тизза бўғими юзаси тоғайидаги ва субхондрал суяк тўқимасининг хужайраларидаги деструктив жараёнларни кучайтиришдаги роли исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий кенгаши томонидан 2025 йил 28 майда 10-сон билан тасдиқланган «Гонартроз хасталигида тизза бўғими тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларнинг аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 10.06.2025 йилдаги 27Ш-сон ва Навоий вилояти патологик анатомия бюроси бўйича 05.09.2025 йилдаги 41-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 4 сентябрдаги 24/22-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тавсия этилган усулларнинг патологик анатомия амалиётига жорий этилиши натижасида, гонартрозларда тизза бўғими юзаси тоғай, субхондрал ва суяк тўқимаси хужайраларининг пролефератив-регенератив, қон томирлар деворида склеротик ва деструктив жараёнларнинг морфологик ўзгаришларининг патологоанатомик текширувларга доир хулосаларининг сифати оширилган, уларнинг ишончилиги ва асосланганлиги

таъминлаган. *Иқтисодий самарадорлиги*: мазкур патологияни текшириш учун сарфланадиган 45000 сўм бюджет маблағлари (анъанавий усулнинг ўртача нархи 120000 сўм, тавсия этилган усулнинг нархи 75000 сўмни ташкил қилади) тавсия этилган усулдан фойдаланиш орқали патологоанатомик текширув вақтини 7-8 кундан 3-4 кунгача қисқартириш натижасида иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гонартроз хасталигида тизза бўғими тузилмаларидаги ўзгаришларнинг клинико-морфологик ўзгиришларнинг қиёсий тавсифи (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи боби учта кичик бўлимдан ташкил топган бўлиб, гонартроз хасталигида тизза бўғими тузилмаларида бўладиган ўзгаришларни ўрганиш бўйича жаҳон адабиётларидаги маълумотларни батафсил таҳлили натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлили маълумотларнинг чалқашлиги ва турли хиллиги, гонартроз хасталигида тизза бўғими тузилмаларидаги ўзгаришларни баҳолаш бўйича аниқ тавсиялар йўқлигини кўрсатди. Иккиламчи гонартроз хасталиги билан касалланган беморларни тизза бўғими тузилмаларидаги ўзгаришларни ёшга ва жинсга боғлиқ жиҳатлари тўлиқ ўрганилиши кераклиги асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Гонартроз хасталигида тизза бўғими тузилмаларининг морфологиясини баҳолашнинг услубий жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида Тадқиқот материалларининг умумий таснифи, тадқиқот усуллари ва натижаларнинг статистик таҳлили ҳақида маълумот берилган. Тадқиқотимизнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган травматология ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази самарқанд филиалида иккиламчи гонартроз касалигига чалинган 234 нафар беморларнинг тиббий

баённомаларини клиник-лаборатор ва жарроҳлик амалиётида олинган тизза бўғимлари тузилмаларини патоморфологик текширув учун олинди. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иккиламчи гонартрозда тизза бўғими тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларнинг ҳамда морфометрик кўрсаткичларини аниқлашга йўналтирилган текширувда тадқиқот материаллари беморлар ёши бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратилди: 1-Гуруҳ-18-44 ёш; 2-Гуруҳ-45-59 ёш; 3-Гуруҳ-60-74 ёш. Мазкур гуруҳлар янада аниқроқ натижаларга эриши мақсадида яна кичик гуруҳларга ажратилди: Ёшлар гуруҳи: I-гуруҳ-30-35 ёш; II-гуруҳ-36-40 ёш; III -гуруҳ-41-44 ёш. Ўрта ёшлилар гуруҳи: I-гуруҳ-45-50 ёш; II-гуруҳ-51-55 ёш; III -гуруҳ-56-59 ёш. Кекса ёшлилар гуруҳи: I-гуруҳ-60-65 ёш; II-гуруҳ-66-70 ёш; III -гуруҳ-70 ёшдан катталар.

Тадқиқотимизга танлаб олинган объектларда тизза бўғими тузилмаларининг магнит-резонанс, рентген, ультратовушли текшируви, синовиал суюқликнинг биохимик таҳлили ҳамда морфологик ва морфометрик жиҳатлари ўрганилди. Бунда махсус гистологик текшируви учун материал жарроҳлик амалиёти жараёнида жами 234 нафар беморлардан иккиламчи гонартроз касаллигида жарроҳлик муолажалари ёрдамида олиб ташланган тизза бўғими юзаси ва атроф юмшоқ тўқималари бўлакчалари (тоғай, субхондрал суяк, бойламлар, синовиал парда, бўғим халтаси ва периартикуляр мушаклар) ва радиологик текширув материаллари олинди. Олинган тўқима бўлакчалари 10% нейтрал формалинда фиксация қилинди, спиртли батарея орқали ўтказилди, парафинли блоклар тайёрланди. Тайёрланган гистологик қирқмалар гематоксилин ва эозин, Ван-Гизон, Вейгерт усуллари билан бўялди. Тизза бўғими юзаси ва атроф юмшоқ тўқималари бўлакчалари (тоғай, субхондрал суяк, бойламлар, синовиал парда, бўғим халтаси ва периартикуляр мушаклар) қон томир структурасини объектив баҳолашда морфометрик текширув ўтказилди. Бунинг учун Г.Г. Автандилов томонидан тавсия этилган 4 та кичик квадратча (100 та нуктадан иборат) нуктали тўр ишлатилди. Морфометрик ўлчов микроскопнинг об. 20 х ок.10 ўлчамида амалга оширилди. Бунда хондроцитларга ва склеротик тўқимага тушган нукталар, шунингдек ПВБ ва унда жойлашган қон томирлари сони ҳисобланди. Шунингдек хондроцит, остеоцитлар, склеротик тўқима ва қон томир структурасининг морфометрик жиҳатларини ўрганиш учун Г.Г. Автандилов томонидан тавсия этилган окуляр микрометрдан фойдаланилди. Морфометрик кўрсаткичларининг ишончлилиги (t), кўрсаткичлар минимал хатоси (m) ва асослилиқ даражаси (p) аниқланди.

Диссертациянинг «**Иккиламчи гонартрозда тизза бўғими тузилмаларининг инструментал ва клиник-лаборатор текширувлар таҳлили**» деб номланган учинчи бобида тизза бўғими тузилмаларини магнит резонанс томография, рентгенография, ультратовуш текшируви ва синовиал суюқликнинг текширув натижалари келтирилган.

Иккиламчи гонартрози мавжуд бўлган беморлар жами 234 нафар бўлиб, шулардан 170 нафари аёллар ва 64 нафари эркеклардир. Уларнинг ёшлари турлича бўлиб, магнит резонанс томография текширув натижалари ҳам турличадир. Шулардан ёшлар гуруҳига кирувчи беморлар жами 48 нафарни ташкил этиб, уларнинг 11 нафари эркеклар ва 37 нафари аёллардир. Жумладан

ёшлар гуруҳининг 1-кичик гуруҳидаги 30-35 ёшли беморлар тизза бўғими сагиттал, кўндаланг ва коронал проекцияларда T1, T2 режимларидан фойдаланган ҳолда магнит-резонанс текширувида: Бўғим юзалари одатий конфигурацияда, контурлари аниқ нотекис. Бўғим тоғайи баландлиги бир неча марта пасайган, сигналнинг ифодаланиши ўзгармаган. Субхондрал қатлам зичлашган. Суяк илигида патологик интенсивлик мавжуд эмас. Латериал мениск одатий ўлчамда, олдинги, орқа шоҳлар тузилишида артикуляр сирт билан алоқа қилмайдиган гиперинтенсив чизиқли жойлар мавжуд. Медиал мениск ҳажми кичрайган, орқа шоҳида бўғим юзаси билан алоқа қиладиган гиперинтенсив ҳудуд аниқланади. Олдинги хочсимон бойлам дифференциаллашган, нотекис юпқалашган ва толаланган. Орқа хочсимон бойлам дифференциаллашган бўлиб, тузилмавий ўзгаришлар аниқланмайди. Ташқи коллатериал бойлам фарқланади, қалинлашмаган, стурктураси патологик ўзгаришларсиз, ички коллатерал бойламлар юпқалашган. Тизза қапқоғи одатдагидек жойлашган, хусусий бойламларида ўзгаришсиз. Пателлофеморал бўғим тораймаган. Ёғ таначаси деформациялашмаган, унинг тузилмаларида патологик интенсивлик жойлар мавжуд эмас. Бўғим халтаси қалинлашмаган. Бўғим бўшлиғида ва супрапателляр чўнтакда кам миқдорида сигналли хусусиятларига эга бўлган ўртача миқдордаги суюқлик аниқланади. Қон томирлар структурасида эътиборга молик ўзгаришлар аниқланмайди. Хулоса: Тизза бўғими остеоартрозининг III босқичига хос МРТ белгилари (Kellgren бўйича), III-A даражадаги минскнинг шикастланиши, латериал минскнинг II даражадаги дегенератив ўзгаришлари (Stoller бўйича), олдинги хочсимон бойламнинг дегенератив ўзгаришлари. Синовит, супрапателляр бурсит (1-расм). Беморларда тизза бўғими соҳасида оғрик, шиш, ҳаракат чекланиши, ҳаракат вақтида тизза бўғими соҳасида қирсиллаш каби клиник белгилар кузатилди.



**1-расм. Тизза бўғими гонатрозининг магнит резонанс томография тасвири**

Гонартроз касаллигига чалинган ёшлар (30-35 ёшли) тизза бўғимларининг икки вазиятдаги рентгенографияси кўра, рентгенологик бўғим оралиқлари: бироз торайган. Бўғим юзалари: Бўғим юзалари субхондрал пластинкалари бироз зичлашган, бўғим урчуқлари бироз ўткирлашган. Бўғим қирраларида ва бўғим медиал юзаларида кичик остеофитлар фарқланади. Субхондрал склероз белгилари фарқланмайди (бироз дегенератив ўзгаришлар фарқланади). Суяклар структураси: требикуляр суръат бўғим суякларида бироз сийраклашган. Бўғимлар конгруентлиги: сақланган. Юмшоқ тўқималар: Бўғим атрофи юмшоқ тўқималари бироз қалинлашган. Хулоса: Тизза бўғимлари иккиламчи

гонартрозининг бошланғич рентгенологик белгилари (2-расм). Беморларда тизза бўғими соҳасида оғриқ, шиш, ҳаракат чекланиши, ҳаракат вақтида оғриқнинг кучайиши, ҳаракат вақтида тизза бўғими соҳасида қирсиллаш каби клиник белгилар аниқланди.



2-расм. Тизза бўғими гонартрозининг рентгенологик тасвири (Гонартроз белгилари)




3-расм. Гонартрознинг ультратовушли текширув тасвири

Гонартроз касаллигига чалинган ёшлар (30-35 ёшли) тизза бўғими ультратовушли текширувига кўра соннинг тўрт бошли мушаги ва тизза қапқоғининг хусусий бойлами яхлитлиги ва бутунлиги бузилмаган, ён бойламлар ўзгармаган, юқориги бурмада суюқлик қайд этилмаган, синовиал парда қалинлашмаган. Инфрапателляр чўнтак визуализация қилинмайди, сон суяги ва катта болдир суяги тизза бўғими юзасидан ташқари соҳалари контури аниқ ва силлик. Бўғим юзаларида остеофитлар аниқланади. Субхондрал пластинка ўзгарган, гиалинли тоғай қалинлашмаган, бир хил эмас, силликлиги йўқолган, эхогенлиги ортган. Минсклар структураси бир хил, контурлари аниқ, силлик, кальцинация ва фрагментация ҳолати аниқланмайди. Юқориги бурмадан ташқари бўғим суюқлигининг миқдори ўзгармаган. Беккер кистаси аниқланмайди. Допплерографияда кўшимча сигналлар аниқланади. Хулоса: Тизза бўғими артрозли артритининг эҳобелгилари (3-расм). Беморларда тизза бўғими соҳасида оғриқ, шиш, ҳаракат чекланиши, ҳаракат вақтида оғриқнинг кучайиши, ҳаракат вақтида тизза бўғими соҳасида қирсиллаш ва оқсоқлик каби клиник белгилар намоён бўлди.


Диссертациянинг «**Гонартрозда тизза бўғими тузилмаларидаги ўзгаришларнинг морфологик ва морфометрик жиҳатлари**» деб номланган тўртинчи боби.

30-35 ёшли беморларда жарроҳлик амалиёти туфайли олиб ташланган тизза бўғими юзаси тоғай қисми патоморфологик текширувдан ўтказилганида гиалинли тоғай миқдорининг камайганлиги яъни унинг қалинлиги 2,8-3,2 мм бўлиб қолганлиги, хондроцитларнинг дегенератив ва дистрофик ўзгаришлари ривожланганлиги ҳисобига уларнинг ўлчами ўртача  $21 \pm 2,1$  мкмни ташкил этади. Микроскопик текширувда тизза бўғими гиалинли тоғай қисмида аксарият хондроцитларда кариопикноз ҳолати кузатилиб, бир гуруҳ хондроцитларда

кариорексис ва кариолизис ҳолати қайд этилади (4-расм). Уларнинг айримларида хондромалаяция жараёни юз бериб, ўрнида ҳажми кичик бўлган бўшлиқчалар ҳосил бўлганлиги аниқланади (5-расм). Шунингдек, хондроцитларнинг матриксга нисбатан камроқ жойлашганлиги қайд этилади.



**4-расм.** Гиалинли тоғай тўқимасидаги хондроцитлардаги дистрофик ўзгаришлари. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10




**5-расм.** Тизза бўғими хондробластлардаги дистрофик ўзгаришлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10


36-40 ёшли беморларда жарроҳлик амалиёти туфайли олиб ташланган тизза бўғими гиалинли тоғай қисми патоморфологик текширувдан ўтказилганида гиалинли тоғай миқдорининг камайганлиги, яъни унинг қалинлиги 2,7-3,1 ммни ташкил қилганлиги аниқланади. Морфологик текширувларда аниқланадики, гиалинли тоғайнинг бир гуруҳ хондроцитларда кариопикноз кариорексис ва кариолизис ҳолати фонида айрим хондроцитларда хондромалаяция жараёни кузатилиб, уларнинг ўрнида кам сонли бўшлиқчалар шаклланиши қайд этилади. Шунингдек, минскларда некробиотик ўзгаришларнинг устунлиги билан некротик ўзгаришлар намоён бўлади. Бундай морфологик ўзгаришлар 36-40 ёшли беморларда тизза бўғими соҳасида оғрик, шиш, ҳаракатни кўрпоқ чекланиши, ҳаракат вақтида оғрикнинг кучайиб кетиши, оқсоқлик каби клиник белгилар билан намоён бўлади. 41-44 ёшли беморларда жарроҳлик амалиёти туфайли олиб ташланган тизза бўғими юзаси тоғай қисми патоморфологик текширувдан ўтказилганида гиалинли тоғайнинг қалинлиги 2,6-3,0 мм бўлиб, кўп сонли хондроцитларда кариопикноз, бир гуруҳ хондроцитларда кариорексис ва кариолизис ҳолати қайд этилади. Шундай қилиб, юқорида келтирилган морфологик ўзгаришлар 41-44 ёшли беморларда тизза бўғими соҳасида оғрик, шиш, ҳаракат чекланиши, ҳаракат вақтида оғрикнинг кучайиши, ҳаракат вақтида тизза бўғими соҳасида қирсиллаш ва оқсоқлик каби клиник белгиларни ривожланишга олиб келади.

Тизза бўғими гонатрози ривожланган ўрта ёшли беморларда тизза бўғими юзаси тоғай қисми патогистологик текширувида гиалинли тоғайнинг юпқалашганлиги (2,4-2,8 мм) бўлиб, аксарият хондроцитларда некробиотик ўзгаришлар-ядросида кариопикноз, кариорексис ва кўплаб хондроцитларда кариолизис, айримларида цитолиз ҳолати қайд этилиб, уларнинг ўрнида хондроцитлар ўлчамидан каттароқ бўлган бўшлиқлар шаклланганлиги ва

уларнинг сони анча ошганлиги кузатилади (6-расм). Бундан ташқари хондроцитларнинг некротик ўзгаришларга кўпроқ чалиниши туфайли хондроцитларнинг матриксга нисбатан кам ҳудудларда топилиши қайд этилади (7-расм).



**6-расм. Гиалинли тоғай тўқимасидаги хондроцитлардаги дистрофик ўзгаришлари. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10**



**7-расм. Тизза бўғими хондробластлардаги дистрофик ўзгаришлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10**


